

КЎЗ КОСАСИ АНТРОПОМЕТРИЯСИННИ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Нишонов Ю.Н., Абдулхакимов А.Р., Мадрахимова Н.Р.

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7479195>

Аннотация. Мақолада авторлар томонидан урганилган адабиётлар маълумотлари келтирилган. Уларда кўз косасини жинсга, ёшига, калла суюгини тузилишига, оператив аралашувлар вақтида антропометрик кўрсаткичлар ахамияти келтирилган. Бундан ташқари кўз косасининг ҳажми ёшига ва жинсга қараб ўзгариши хам аниқланган.

Калим сўзлар: кўз, антропометрия, кўз косаси, калла суюги, кўз косасига кириши тешиги

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ МЕТОДОВ ИЗУЧЕНИЯ АНТРОПОМЕТРИИ ГЛАЗНОЙ ЧАШИ

Аннотация. Статья содержит информацию из литературы, изученной авторами. В них представлена значимость антропометрических показателей при оперативных вмешательствах. Кроме того, установлено, что размер наглазника меняется в зависимости от возраста и пола.

Ключевые слова: глаз, антропометрия, глазница, череп, глазница.

SCIENTIFIC BASES OF METHODS FOR STUDYING ANTHROPOMETRY OF THE EYE BOWL

Abstract. The article contains information from the literature studied by the authors. They present the significance of anthropometric indicators in surgical interventions. In addition, it was found that the size of the eyecup varies depending on age and gender.

Key words: eye, anthropometry, eye socket, skull, eye socket

Долзарблиги: охирги йилларда кўриш органида ва кўз косасида антропометрик кўрсаткичларни ўрганиш турли хил кўз касалликларини даволашда ва олдини олишда мухим ахамият касб этмоқда. Бунда кўз касаллаиклари кўзниң анторопометрик ўлчамлари ёшига, жинсга ва миллатига қараб фарқланади. Кўзниң кўндаланг ва вертикал ўлчамларини аниқлаш орқали эса кўзниң кўриш ўткирлигига бахо бериш мумкин.

Мақсад: кўз косасини антропометрик (ёши, жинси, миллатига қараб) ўлчамларини аниқлаш ва улар орасидаги фарқланишларни ҳисобга олиб кўриш ўткирлигини аниқлаш, аниқланган тафовутлар асосида кўз касалликларига таъсир этувчи салбий омилларни аниқлаш

Ўрганиш усуллари: мақолани ёзишда А. Навоий номидаги республика миллий кутубхонаси, хамда соғлиқни сақлаш вазирлигининг кутубхоналаридан маълумотлар тўпланиб, ушбу маълумотларнинг ретроспектив тахлили ўтказилди.

Адабиётлар тахлилининг натижалари: Загаровская Т.М. ва соавторлар турли ёшдаги ва жинсдаги одамларни калла суюклирини кўз косасини морфологик тузилишларини ўрганишган. Бунинг учун улар В. И. Розомовский номидаги Саротов тиббиёт университетида анатомия кафедрасида 169 та паспортланган катта одам калла суюги ва 58 та ёш болаларнинг калла суюгини кўз косасининг ҳажми ва унга кириши ўлчамини ўрганишган. Бунда улар фотометрик усулдан фойдаланишган. Кўз косасига

кириш тешигининг ҳажми ёшга боғлиқ холатда ўзгаришини аниқлашган. Болаларда ўспиринлик даврида ўзининг етук ҳажмига эга бўлишини аниқлашган. Бир хил ёшдаги эркак ва аёлларда ўрганишлар шуни кўрсатдики, эркакларнинг кўз косасига кириш тирқиши аёлларга нисбатан каттароқ. Кўз косасининг энг тез ривожланиши 4-7 ёшга тўғри келишини аниқлашган.

Гайваронский И.В. ва соавторлар турли шаклдаги юз скелети ва кўз косасининг турли кўрсаткичларида кўз косасига кириш тирқишини ўрганишган. Бунда С.М. Киров номидаги ҳарбий тиббий академияда нормал анатомия кафедрасида жойлашган фундаментал музейдаги краниологик коллексияда 70 та паспортланган катта одамларни калла суюкларидан фойдаланишган. Бу калла суюклари асосан Россиянинг шимолий шарқий худудларида яшаган халқларга тегишли бўлган. Ўлчовларни Р. Мартин усулида олиб боришган. Шартли равишда кўз косасига кириш тешигини медиал, ўрта ва латерал қисмларга бўлиб ўрганишган. Аниқланишича иккала кўз косасининг ўлчамлари нисбатан бир хиллигини аниқлашган. 46% ҳолларда кўз косасининг энининг ўлчамлари бир хил бўлган. 41% ҳолларда эса ўнг кўз косасининг эни катталигини аниқлашган. 13% ҳолларда эса чап кўз косасининг эни катта бўлган. 74% ҳолларда ўнг кўз косасининг бўйлама ўлчами катталиги, 17.4% ҳолларда эса чап кўз косасининг бўйлама ўлчами каттароқ бўлган. Аниқлашганки, фронтал сатҳда кўз косаси тешигининг шакли ва юз скелетининг тузилиши кўз косасининг жойлашишига таъсири йўқлигини исботлашган.

Баринов Э.Ф. ва соавторлари кўз косасида оператив аралашувларнинг стандартларини аниқлаштиришни морфометрик кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширишни кўриб чиқишиган.

Назарий тиббиётда кўз косасининг морфометрик кўрсаткичлари ўрганилади, лекин бу кўрсаткичлар анатомия фани учун етарли эмас. Одатда олинган маълумотларда ёшга боғлиқ холдаги ўзгаришлар ёритилган. Мисол тариқасида В. Николаенков ва соавторлари (2012) кўз косасининг ёритишдаги бир қанча ўлчамларни таклиф қилган: кўз косасининг латерал, медиал, паскки деворини узунлиги, кўз косалари оралиғи, кўз косасининг чуқурлиги, кўз косасининг кириш қисмини эни, бўйи ўлчамлари, кўз косасининг ҳажми, кўз нервларининг бир бирига нисбатан хосил қилган бурчаги, кўз нерви ва кўрув ўқининг ўзаро хосил қилган бурчаги шуларга мисол бўлади.

Шутъ В. (2008) ўтказган илмий ишидатурли ёшдаги ёш болаларда калла суюги ва юзининг турли кўринишларида кўз косасининг эни ва бўйини ўлчаган. Аниқланишича калла суюгини турли шаклларда кўз косасининг морфометрик ўлчамлари турлича. Натижада кўзининг ретро-булбар бўшлиғига оператив аралашувларда кўз косасининг деворларининг ўлчамларини аниқлаган ҳолда латерал ва пастки девордан кесма ўтказиши анатомик жихатдан устунлиги исботланган.

Ципяшук А. (2008) ўзининг илмий ишида турлича кранио типдаги катта ёшдаги одамларда кўз косасининг шаклига боғлиқ ҳолда кўз косасининг юқориги ва пастки тирқишининг индивидуал типологик хусусиятларини кўрсатиб берган. Бу маълумотларни кўз косасига боғлиқ бўлган оператив аралашувларда мухимлигини кўрсатиб берган. Бундан ташқари олинган натижалар отоларингология, нейрохириргия, юз-жагаррохлилк амалиётида кераклиги исботланган.

Вовк Ю. (2010) ўз ишида кўз косасига кириш тешигининг жинсга боғлиқ ҳолда фарқланишини кўрсатиб, юз ва бош суюгининг шаклига боғлиқлигини кўрсатган.

Тиббиётнинг эхтиёжидан келиб чиқиб охирги йилларда морфометрик кўрсаткичларни аниқлаштириш бўйича бажарилаётган ишларни кўплигини кўришимиз мумкин.

Ёноқ комплекси жарохатланишида кўз косаси шикастланиши келиб чиқкан холларда унинг эстетик операцияларни режалаштиришда кўз косасининг эни ва бўйини ўлчамларини мухимлигини Жо Т. (2014) ўз ишида кўрсатиб берган.

Михайлюков В. (2014) кўз косасини жарохатларида тиклаш операцияларини бажариш учун кўз косасининг ўлчаш методикасини ишлаб чиқкан. Ўз методикасида авторларига ўзининг тавсияларини берган.

Эндокрин офтальмопатик диагностикасида Шеремета М. ва соавторлар (2009) МСКТ натижаларини хисобга олиш кераклигини айтган. Бунда кўз косасининг чуқурлиги, эни, бўйи, кўрув каналининг тешигини диаметри ўрганилган. Кўрув каналини диаметрини ва узунлиги билиш, кўрув нервида оператив аралашувларни оптимизациялаштириш имконини яратади. Бундан ташқари кўрув каналининг кўрув нервига боғлиқ ўсма касаллигига жарроҳлик аралашувларга ёрдам беради.

Хулоса: шуни айтиш мумкинки, чет мамлакатлардан фарқли равишда бизнинг худудда кўз косаси антропометрияси бўйича маълумотлар тарқоқ ва илмий амалий изланишлар етарли эмас.шу сабабли бу йўналишдаги илмий изланишлар долзарблигича қолмоқда.

REFERENCES

1. Загаровская Т.М., Алешкина О.Ю, Сырова О.В. - Изменчивость морфометрических характеристик глазницы в зависимости от возраста и пола 2013.
2. Гайваронский И.В., Долженкова М.П., - Пространственная организация входа в глазницу 2012.
3. Баринов Э.Ф., Дубина С.А., - Количественная анатомия глазницы 2014
4. Николаенков В.П. Орбитальные переломы: 2012. – 436 с.
5. Шуть В.В. Возрастные и индивидуальные различия в строении глазницы по данным морфометрии и лучевой диагностики: автореф. 2008.-21 с.
6. Ципяшук А.Ф. Морфология глазничных щелей у взрослых людей при различных краинотипах: автореф. 2008.- 25 с.
7. Вовк Ю.Н. клиническая анатомия головы: учеб.пособ.2010. -196 с.
8. Жо Т. Ан антропометрик анд тхрее- дименсионал сомпутед томографик эвалуатион оф тво поинт фихатион оф зигматик сомплекс фрактурес. 2014. -493-499 с.
9. Михайлюков В.М. Безрамная навигация в хирургическом лечении посттравматических дефектов и деформаций глазниц: автореф. 2014.-24 с.
10. Шеремета М.С. Клинико –рентгенологические взаимоотношения при эндокринной-офтальмопатии. 2009. 53-57 с.